

INITIAL CHANGES IN THE DEVELOPMENT OF SCIENTIFIC FIELDS IN THE NEW UZBEKISTAN.

Utkirjon Khoshimov

*PhD in Philosophy, Associate Professor
Tashkent state pedagogical university
Tashkent, Uzbekistan
E-mail: utkirjon.khoshimov@mail.ru*

ABOUT ARTICLE

Key words: Higher education institutions, Decree, Decision, science, scientific projects, patent.

Received: 30.05.25

Accepted: 01.06.25

Published: 03.06.25

Abstract: This article examines the changes in the fields of science in New Uzbekistan in 2017-2020, including the further development of scientific research in higher education institutions, the increasing share of higher education institutions in scientific projects conducted in the republic, the increase in the number of certificates obtained based on research results, and the positive growth indicators in the financial support of science and technology by the state, as the main reason for this.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАН СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ДАСТЛАБКИ ЎЗГАРИШЛАР

Ўткиржон Хошимов

*Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Тошкент давлат педагогика университети
Тошкент, Ўзбекистон
E-mail: utkirjon.khoshimov@mail.ru*

МАҚОЛА ХАҚИДА

Калит сўзлар: Олий таълим муассасалари, Фармон, Қарор, илм-фан, илмий лойиҳалар, патент.

Аннотация: Ушбу мақолада 2017-2020 йилларда Янги Ўзбекистонда илм-фан соҳаларидағи ўзгаришлар, жумладан, олий таълим муассасаларида илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш, республикада олиб борилаётган илмий лойиҳаларда олий таълим муассасаларининг улуши ортаётганлиги, тадқиқот натижалари бўйича олинган гувоҳномалар сонининг ортганлиги ва

бунинг асосий сабаби сифатида давлат томонидан илм-фан соҳаларини моддий жиҳатдан маблағ билан таъминлаш борасидаги ижобий ўсиш кўрсаткичларининг юз берганлиги ўрганилган.

ПЕРВЫЕ ИЗМЕНЕНИЯ В РАЗВИТИИ НАУЧНЫХ НАПРАВЛЕНИЙ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

Уткиржон Хашимов

доктор философии исторических наук, доцент

Ташкентский государственный педагогический университет

Ташкент, Узбекистан

E-mail: utkirjon.khoshimov@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Высшие учебные заведения, Указ, Решение, наука, научные проекты, патент.

Аннотация: В данной статье рассматриваются изменения в сферах науки в Новом Узбекистане в 2017-2020 годах, в том числе дальнейшее развитие научных исследований в высших учебных заведениях, увеличение доли высших учебных заведений в научных проектах, проводимых в республике, увеличение количества сертификатов, полученных по результатам научных исследований, а также положительные показатели роста финансовой поддержки науки и техники со стороны государства как основная причина этого.

Дунёда глобаллашув юз берётган бир даврда жамият тараққиётидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш орқали иқтисодиётни ривожлантиришнинг бирдан-бир йўли илм-фан соҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатdir. Ҳозирги пайтда дунё миқёсида рақобат қандай кескин тус олиб бораётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Бу шиддатли рақобатга факат замонавий илм-фан, юқори технологиялар ва инновация ютуқларини кенг жорий этиш орқали муносаб жавоб бера оламиз[1]. Шундан келиб чиқиб Ўзбекистонда 2017 йилдан бошлаб барча соҳаларда бўлгани каби таълим ва илм-фан соҳаларини давлат томонидан ҳар томонлама ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиб беришга катта эътибор қаратилди.


Дастлаб илм-фан соҳаларини тизимлаштириш ва ривожлантириш мақсадида меъёрий-хуқуқий хужжатлар базаси яратилди. Хусусан, 2017-2020 йилларда республика тарихида илк бора илм-фан ва инновациялар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди. Ушбу қонунлар соҳаларини тартибга солиб, хуқуқ ва мажбуриятлар,

асосий принципларни белгилаб берди[2]. Бундан ташқари инновацияларни ривожлантириш, лойиҳаларни молиялаштириш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, инновацион ишланма ва лойиҳаларни амалиётга жорий этиш, тижоратлаштириш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси, таълим ва илм-фан соҳасидаги кадрларни моддий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари қабул қилинди[3]. Ушбу қабул қилинга меъёрий хужжатлар ижроси белгиланган тартибда амалиётга жорий қилинмоқда. Буни илм-фанны моддий

жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлган ўзгаришларда ҳам кўриш мумкин.

Хусусан, илм-фан ва инновацияларга йўналтирилган сарф-харажатлар 2017 йилдан буён сезиларли даражада ортди[4]. Қуйидаги жадвалда бу хақида йиллар кесимида тўлиқ маълумот келтирилган бўлиб, республикада илм-фан ва инновацияларга йўналтирилган умумий маблағ ва бу маблағда олий таълим муассасаларининг улуши келтирилган.

4.1-жадвал[5]



Жадвалда келтирилган маълумотларга эътибор қаратилса, 2018 йилда давлат бюджетидан илм-фан ва инновацияларни қўллаб-қувватлар учун 198 млрд. сўм ажратилган бўлса, 2020 йилга келиб 428,6 млрд. сўмни ташкил этди. Шу йиллар давомида республика илм-фанини маблағ билан таъминлаш 116,4 фоизга ўсди. Давлат бюджетидан ажратилган ушбу маблағлар вазирликлар кесимида тақсимланиб, республика бўйича турли ташкилотлар томонидан илм-фан соҳаларида илмий лойиҳалар асосида тадқиқотлар олиб борилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига ҳам. Шундан келиб чиқиб вазирлик микиёсида илм-фан ва инновациялар учун ажратилган маблағ 2018 йилда 45,3 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йил 111,3 млрд. сўмга етди. Яъни шу йиллар давомида 145,6 фоизга маблағ билан

таъминланиш ўсиб[6]. Юқоридаги келтирилган жадвалдаги маълумотларни қиёсий таҳлил қилинса, хусусан, 2018 йилда республика бўйича илм-фан ва инновациялар учун ажратилган жами маблағларнинг 22,8 фоизи, 2019 йилда 15,3 фоизи, 2020 йилда 25,9 фоизи Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳиссасига тўғри келган. Бундан шуни англаш мумкинки, 2017 йилдан бошлаб олий таълим тизимида амалга оширилаётган кенг ислоҳотлар натижасида олий таълим муассасаларида илм-фан ва инновациялар бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар республика илм-фанидаги улуши ортмоқда. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимида олий таълим муассасаларида юқорида келтирилган маблағлар доирасида 2017 йилда 743 та илмий лойиҳа, 2018 йилда 233 та, 2019 йилда 405 та, 2020 йилда 323 та илмий лойиҳалар молиялаштирилган[7]. Вазирлик миқиёсида бажарилган илмий лойиҳалар сонига эътибор қаратилса, 2017 йилга нисбатан маблағ билан таъминланиш ўсиб борган бўлсада, бунга акс равишда лойиҳалар сонида ўсиш эмас, аксинча камайишни кузатиш мумкин. Бундан албатта, республика ижтимоий-иктисодий соҳалари бўйича асосий драйвер бўлган лойиҳалар бўйича амалга оширилаётган тадқиқотларни молиялаштиришга қаратилган эътибор сабабли лойиҳалар сонида камайиш кузатилди.

Республика олий таълим муассасаларида илм-фан ва илмий тадқиқотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш натижасида самарадорлик ортди. Мисол тариқасида республиканинг турли вилоятларида фаолият юритаётган университет мақомидаги олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган илмий лойиҳаларга эътибор қаратилса, хусусан, Ўзбекистон миллий университетида 2018 йилда 119 та[8], Самарқанд давлат университетида 23 та[9], Тошкент давлат иқтисодиёт университетида 19 та[10], Андижон давлат университетида 7 та[11], Бухоро давлат университетида 6 та[12], Тошкент давлат педагогика университетида 6 та[13], Гулистон давлат университетида 4 та[14], Фарғона давлат университетида 3 та[15], Қарши давлат университетида 3 та[16], Термиз давлат университетида 2 та[17] лойиҳалар бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Юқоридаги келтирилган маълумотлардан билиш мумкинки, университетларда давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажарилаётган илмий-тадқиқот ишларида Тошкент ва Самарқанд шахрида фаолият юритаётган олий таълим муассасалари еткачилик қилмоқда. Республиkaning бошқа минақаларида жойлашган олий таълим муассасалари амалга оширилаётган лойиҳалар сони нисбатан паст даражада бўлган. Бунинг бир қатор сабаблари мавжуд. Биринчидан, вилоятлардаги олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасининг эскирганлиги, иккинчидан, олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятининг пастлигини келтириш мумкин.

Умуман олиб қараганда сўнгги йилларда илм-фанни моддий жиҳатдан қўллаб-кувватлашга давлат бюджетидан маблағ ажратилиши сезиларли даражада оширилди. Масалан, 2014-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда ишланмаларни молиялаштириш учун қарийб 800 миллиард сўм ажратилган бўлса[18], 2018-2021 йилларда илмий ва инновацион фаолият бўйича дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат бюджетидан жами 1488,3 млрд. сўм ажратилди[19]. Яъни юқоридаги йиллар давомида илм-фан ва инновациялар учун ажратилган маблағ 688,3 млрд сўмга ёки 86,0 фоизга қўп эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Илм-фан соҳаларини маблағ билан таъминланиши борасидаги ўсиш, тадқиқотларнинг янада жонланишига, янги инновацион илмий-изланишларни ривожланишига ва амалиётга жорий этиш борасида ижобий натижаларни кўлга киритилишига олиб келди.

Эндиғи вазифа – нафақат илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни молиявий қўллаб-кувватлаш, балки уларнинг натижаларини амалиётга татбиқ этишга қаратилган самарали механизмларни яратишдан иборат[20]. Албатт, ҳар қандай тадқиқот натижалари ижтимоий-иктисодий соҳалар ривожига ҳизмат қилгандагина манфаатли ҳисобланади. Ўзбекистон олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, кўлга киритилган илмий ютуқларга гувоҳномалар орилаш борасида ҳам салмоқли ютуқлар қўлган киритилган. Хусусан, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига интеллектуал мулк объектларига олинган гувоҳномалар (патентлар) йиллар кесимида ўсиш кузатилди. Жумладан, 2017 йилда 641 та интеллектуал мулк учун гувоҳнома олинган бўлса, 2018 йилда 960 тани, 2019 йилда 1649 тани, 2020 йилда 1689 тани ташкил этди[21]. 2020 йилга келиб 2017 йилга нисбатан 1048 тага қўп патентлар олинган. Бу шундан далолат берадики, илм-фан соҳаларига яратилаётган имкониятлар ва шарт-шароитлар натижасида Янги Ўзбекистон илм-фанида ўзига ҳос ривожланиш босқичи бошланди.

Олий таълим муассасаларида ҳам илмий тадқиқот ишларини олиб бориш яхшиланди. Жумладан, 2018 йилда Ўзбекистон миллий университетида 14 та[22], Тошкент давлат иқтисодиёт университетида 11 та[23], Андижон давлат университетида 10 та[24], Самарқанд давлат университетида 10 та[25], Фарғона давлат университетида 7 та[26], Гулистон давлат университетида 4 та[27], Қарши давлат университетида 3 та[28], Термиз давлат университетида 3 та[29], Бухоро давлат университетида 2 та[30], Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти 1 та патентлар олинди[31]. Вилотяларда жойлашга олий таълим муассасаларида ҳам бу борада салмоқли ишлар бажарилаётган бўлсада,

марказий шаҳарлардаги олий таълим муассасаларидағи натижалардан орқада олган. Шундан келиб чиқиб, ислоҳотларнинг кейинги босқичида вилоятлардаги олий таълим муассасаларидағи илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ўринида таъкидлаш лозимки, 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон илм-фан соҳаларида янги ислоҳотлар жараёни бошланди. Қатор ривожланган давлатларда хозирда амалда бўлган олий таълим муассасаларининг илм-фан соҳаларидағи етакчили ролга баҳо берган холда, республикада ҳам олий таълим муассасаларининг илм-фан ўчоқларига айлаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ижобий натижасини кўрсата бошлади. Бунда айнанг олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқотларни ва профессор-ўқитувчиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида давлат томонидан олиб борилган сиёsat натижасида юз берди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б. 237.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-576-сон Қонуни (<https://lex.uz/mact/4571490>), Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 24 июлдаги “Инновацион фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-630-сон Қонуни. (<https://lex.uz/tu/docs/4910391>)

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон, 2018 йил 24 ноябрдаги “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизmlарини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-табрилар тўғрисида”ги ПФ-5583-сон, 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 ноябрдаги “Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3365-сон, 2017 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3416-сон, 2018 йил 19 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги хузурида Илғор технологиялар марказини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3674-сон, 2018 йил 27 апрелдаги “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3682-сон, 2018 йил

5 майдаги “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3697-сон, 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3698-сон, 2018 йил 14 июлдаги “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3855-сон, 2018 йил 20 июлдаги “Фан ва олий таълим соҳаси ходимларининг меҳнат ҳаки миқдорини янада ошириш, илмий ва илмий-техник фаолият натижалари жорий этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3876-сон, 2018 йил 6 августдаги “Илмий ва инновацион фаолиятни интеграциялаш тизимини самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3899-сон, 2019 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4210-сон, 2019 йил 30 августдаги “Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташабbusларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4433-сонли Қарорлари.

4. 2017-2021 йиллар учун Ўзбекистон Республикаси Илм-фан ва инновациялар бўйича миллий маъруза. – Тошкент: 2022. – Б. 20.

5. 2017-2021 йиллар учун Ўзбекистон Республикаси Илм-фан ва инновациялар бўйича миллий маъруза. – Тошкент: 2022. – Б. 20. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг жорий архиви. Олий таълим муассасалари илмий лойихалар тўғрисида маълумот. 2-варак.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг жорий архиви. Олий таълим муассасалари илмий лойихалар тўғрисида маълумот. 2-варак.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг жорий архиви. Олий таълим муассасалари илмий лойихалар тўғрисида маълумот. 3-варак.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг жорий архиви. Ўзбекистон миллий университети илмий-тадқиқот ишлари бўйича 2018 йил учун ҳисоботи. 44-варак.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг жорий архиви. Самарқанд давлат университетида илмий-тадқиқот фаолиятини ташкиллаштириш, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, иқтидорли талаба-ёшлар билан ишлаш, илмий-тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан 2018 йилда амалга оширилган ишлар бўйича йиллик ҳисобот. 13-варак.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг жорий архиви. Тошкент давлат иқтисодиёт университетида 2018 йилда олиб борилган илмий тадқиқот ва инновация ишлари тўғрисида ҳисобот. 7-варак.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг жорий архиви. Андижон давлат университетида илмий-тадқиқот фаолиятини ташкиллаш, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, иқтидорли талабалар билан ишлаш ва илмий-тадқиқот натижаларин ишлаб чиқаришга жоррий этиш юзасидан 2018 йилда амалга оширилган ишлар бўйича ҳисобот. 19-варак.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг жорий архиви. Бухоро давлат университети илмий тадқиқот ишлари бўйича 2018 йил ҳисоботи. 37-варак

13. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг жорий архиви. Тошкент давлат педагогика университетида 2018 йилда олиб борилган илмий тадқиқот ва инновация ишлари тўғрисида ҳисобот. 7-варак.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг жорий архиви. Гулистон давлат университетида 2018 йилда амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлар юзасидан ҳисобот. 10-варак.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг жорий архиви. Фарғона давлат университетининг илмий-тадқиқот фаолиятини ташкиллашириш, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, иқтидорли талаба-ёшлар билан ишлаш ҳамда илмий-тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жоррий этиш юзасидан 2018 йил давомида олиб борилган ишлар бўйича ҳисобот. 50-варак.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг жорий архиви. Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари бўйича 2018 йил учун ҳисоботи. 8-варак.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг жорий архиви. Термиз давлат университетида 2018 йил давомида амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари тўғрисида умумий маълумот. 3-варак.

18. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг жорий архиви. Термиз давлат университетида 2018 йил давомида амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари тўғрисида умумий маълумот. 3-варак.

19. 2017-2021 йиллар учун Ўзбекистон Республикаси Илм-фан ва инновациялар бўйича миллий маъруза. – Тошкент: 2022. – Б. 20.

20. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б. 239.

21. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг жорий архиви. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига интеллектуал мулк объектларига олинган гувоҳномалар тўғрисида маълумот. 4-варак.

22. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг жорий архиви. Ўзбекистон миллий университети илмий-тадқиқот ишлари бўйича 2018 йил учун ҳисоботи. 256-257-вараклар.

23. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг жорий архиви. Тошкент давлат иқтисодиёт университетида 2018 йилда олиб борилган илмий тадқиқот ва инновация ишлари тўғрисида ҳисбот. 157-158-вараклар.

24. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг жорий архиви. Андижон давлат университетида илмий-тадқиқот фаолиятини ташкиллаш, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, иқтидорли талабалар билан ишлаш ва илмий-тадқиқот натижаларин ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан 2018 йилда амалга оширилган ишлар бўйича ҳисбот. 17-варак.

25. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг жорий архиви. Самарқанд давлат университетида илмий-тадқиқот фаолиятини ташкиллаштириш, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, иқтидорли талаба-ёшлар билан ишлаш, илмий-тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан 2018 йилда амалга оширилган ишлар бўйича йиллик ҳисбот. 112-варак.

26. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг жорий архиви. Фарғона давлат университетининг илмий-тадқиқот фаолиятини ташкиллаштириш, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, иқтидорли талаба-ёшлар билан ишлаш ҳамда илмий-тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан 2018 йил давомида олиб борилган ишлар бўйича ҳисбот. 97-варак.

27. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг жорий архиви. Гулистон давлат университетида 2018 йилда амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлар юзасидан ҳисботи. 80-варак.

28. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг жорий архиви. Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари бўйича 2018 йил учун ҳисботи. 59-варак.

29. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг жорий архиви. Термиз давлат университетида 2018 йил давомида амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари тўғрисида умумий маълумот. 11-варак.

30. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг жорий архиви. Бухоро давлат университети илмий тадқиқот ишлари бўйича 2018 йил ҳисботи. 87-варак.

31. Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти жорий архиви. Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти илмий ишлар бўйича 2018 йил ҳисботи. 19-варак